Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 36 (8526). ● 20 февраль, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

### СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия—хўжалик активи мактабининг 18 февраль куни бўлиб ўтган машғулоти «Марксизм-ленинизм, КПСС чинакам озодлик ва демократия тўғрисида. Социалистик демократияни такомиллаштириш ҳамда давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш» мавзуига бағишланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов лекция ўқиди.

Коммунистик партия меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган йўлни амалга ошира бориб, халқнинг мамлакатни бошқаришда иштирок этишининг ғоят самарали формаларини, халқ ҳокимиятининг энг мунтазам ва эпчил, энг оммавий системаси — халқ депутатлари Советларининг фаолиятини бутун чоралар билан яхшилаш йўлларини муттасил изламоқда.

Бунда КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлидан» асари ниҳоятда муҳим, чинакам новаторлик аҳамиятига эгадир. Бу асар илмий коммунизм назариясига ғоят катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик совет демократияси тантанасининг янги ёрқин ифодаси бўлди. Бу йилги сайлов кампанияси совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлигини, унинг Ленин партияси теварагида жипслашганлигини, КПСС XXVI съезди белгилаб берган йўлга оғишмай амал қилишга азму қарор берганлигини намойиш этмоқда.

(ЎзТАГ).

## Сув йўллари тозаланди

КЕЙИНГИ кунларда об-ҳавонинг юришиб кетиши деҳқонлар учун қўл келмоқда. Хўжаликларда қишки дала ишлари авж олдириб юборилди. Бу жиҳатдан Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг Абдумўмин Турғунбоев етакчилик қилаётган 10-бригадаси коллективи амалга ошираётган ишлар ибратлидир.

Бригада аҳли ўтган йили ҳалол меҳнат эвазига 84 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарган эди. Бу йил эса Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ҳамда КПСС XXVII съезди шарафига ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга сўз беришди. Айни кунларда бригаданинг Сайфи Пирматов, Маъруф Манасов сингари механизаторлари амалга ошираётган ишлар ана шу мақсадга яраша бўлмоқда. Улар ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланиб, ҳозиргача ўзларига бириктилган тракторларни ва бошқа механизмларни сифатли ремонтдан чиқардилар. Шунингдек, бригада далаларида ариқ-зовурларни тозалаш, ерларни маҳаллий ўғитга тўйдириш ва текислаш ишлари ҳам авжида.

Л. МАНСУРОВ.

## Унумли фойдаландилар

БЕКОБОД районидаги Ленин номли колхоз деҳқонлари техникадан унумли фойдаланиб, ҳар йили мўл-кўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Жумладан, бу йил ҳам хўжаликда қишлоқ хўжалик техникаларини баҳорги мавсумга тайёрлаш ишларига анча эрта киришилди. Шунинг натижасида, мавжуд 25 та культиватор, ўндан ортиқ ҳайдов трактори, 13 та чизель, 3 та грейдер ва бошқа механизмлар муддатидан олдин старт чизиғига келтириб қўйилди. Бунда ремонтчилардан Ғаффор Болтабоев, Ғулом Суяров, Абдужалил Бурхонов, Абдуваҳоб Абдураҳмоновларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Райондаги Дзержинский номли, Навоий номли колхозларда ва «Далварзин» совхозида ҳам техника ремонти тугалланиб, кўкламга шай қилиб қўйилди.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

## ҚАДРЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

- КЎКЛАМ ЯҚИН • ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН
- ТЕХНИКА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЯНА БИР БОР СИНЧИКЛАБ ТЕКШИРИНГ
- УРУҒЛИКНИ САРАЛАШГА, ЕРГА ИШЛОВ БЕРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИНГ

## ШАЙ БЎЛИБ ТУРИБМИЗ

Деҳқоннинг тирикчилиги ер билан. У ерни қанчалик эъзозласа, замин ҳам саховатини аямайди. Мен ўзимнинг 15 йиллик бригадирлик тажрибамда бунга қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Дастлаб гектаридан 26 центнердан ҳосил олинган майдонлардан эндиликда 40 центнерга етказиб хирмон кўтармоқдамиз. Бунга қандай қилиб эришмоқдамиз?

Ҳар йили йиғим-терим тугагач, қилинган ишларга якун ясаймиз. Қайси карталардан мўл ҳосил олинди-ю, қайси карталарда ҳосилнинг чўғи яхши бўлмади — ана шуни қатъий ҳисоб-китоб қиламиз. Агрономлар билан маслаҳатлашамиз. Кузги тадбирларни шу асосда ўтказамиз. Ерларни 35—40 сантиметр чуқурликда ҳайдаймиз. Ҳар гектарига 15—20 тоннадан мўлжаллаб маҳаллий ўғит чиқарамиз.

Экишга барвақт тайёргарлик кўрамиз.

Бу йил ҳам ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Бириктилган техникаларни аллақачоноқ ремонтдан чиқариб, созлаб қўйдик.

Ариқ-зовурлар сув равон оқадиган қилиб тозалаб қўйилди. Дала ишларини амалга оширишда Ҳидоят Юнусалиева, Нафиса Расулова, Сайди Муродова сингари колхозчиларимиз фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Биз бу йил 68 гектар ерда пахта етиштирамиз. Ҳозирги қулай кунларнинг ҳар кунидан, ҳар соатидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Уруғликни саралашга, оби-тобида етказиб экишга алоҳида эътибор берамиз. Ўтган йили чигит экишни 3 апрелда бошлаб 9 апрелда тугатган эдик. Бу йилги мўлжалимиз ҳам бу муҳим ишни қисқа муддатда, тез, соз ўтказишдан иборатдир. Уяларга аниқ чигит ташлайдиган сеялкадан фойдаланишни мўлжаллаб турибмиз. Ана шунда яганага ҳам эҳтиёж қолмайди.

Бригадамиз деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида янги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритиш учун ҳамма имкониятларни ишга соладилар.

Б. УМАРОВ,
Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхоз бригадаси бошлиғи.



## КАРАМ ЭКИЛМОҚДА

ҲАМИДУЛЛА Йўлчиев бошлиқ бригада деҳқонлари Калинин районидаги «Москва» совхозида биринчилардан бўлиб, эртаки экинлар экишни бошлаб юбордилар. Шу кунларда бригадада 6 гектар майдонга эртаки карам кўчати ўтқазиш қизғин бормоқда. Шундан 1 гектарига плёнка остига экилмоқда. Бу ишда Ҳикмат Йўлчиев, Ҳошим Қосимов, Тостойбек Бекетов сингари деҳқонлар бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

— Бригадамиз аҳли Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва КПСС XXVII съезди шарафига бу йил 51 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 531 тонна сабзавот ва 12 тонна картошка етиштиришга аҳд қилган,— дейди бригадир Х. Йўлчиев.— Шу мақсадда эртаки экинлар экишга пухта тайёргарлик кўрдик. Кам ҳосилли майдонларга қўшимча маҳаллий ўғит чиқардик. Эндиликда барчамизнинг диққат-эътиборимиз эртаки сабзавот экинлари кўчати экишни қисқа муддатларда тугаллашга қаратилган.

И. ҚОСИМОВ.

* * *

◆ ШУ РАЙОНДАГИ «Партия XXI съезди» совхози деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида эл дастурхонига 7 минг тонна сабзавот, салкам 200 тонна картошка етказиб бериш мажбуриятини олишган. Айни кунларда хўжаликда эртаки сабзавот кўчатларини тайёрлаш ва далага экиш ишлари қизғин кетяпти. Суратларда: (пастда) парник хўжалигининг илғор кўчатчиси З. Убайдуллаева ёш ишчи З. Мадраимовага карам кўчатини расад қилишни тушунтирмоқда; (юқорида) 1-бўлим бошқарувчиси А. Пак ва бригада бошлиғи Н. Ғозихўжаева ўртоқлар теплицага экилган карам кўчатларининг ривожини кўздан кечиришмоқда.

А. Мальцев фотолари.



## КУН ТАРТИБИДА — НАШРИЁТЛАР ИШИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика нашриётлари фаолиятини яхшилаш вазифалари кўриб чиқилди. Шу масалани муҳокама қилишда нашриётлар раҳбарлари ва редакцияларнинг ходимлари, ижодий союзларнинг вакиллари, таниқли ёзувчилар, адабий танқидчилар, полиграфиячилар иштирок этдилар.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми талаблари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва тавсиялар асосида республикада нашриётчилик фаолиятини такомиллаштиришга, китобларнинг ғоявий-бадиий савиясини ва сифатини яхшилашга қаратилган ишлар олиб борилаётганлиги уқтириб ўтилди.

Бир қанча нашриётларнинг ишида жиддий камчиликлар мавжудлиги ҳақида гапирилди. Совет кишиларининг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларига жавоб бермайдиган китоблар ҳали ҳам чиқарилмоқда. Вазифа шундан иборатки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари талаб қилганидек, ҳар бир нашриёт ва полиграфиячилар коллективида юксак талабчанлик муҳити қарор топтирилиши, китобларнинг мазмуни ва сифати учун ҳар бир ходимнинг масъулияти оширилиши керак.

(ЎзТАГ).

## МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЗАРБДОР МАРОМИ

«Узбектекстильмаш» бирлашмаси Тошкент заводининг қуювчиси Д. Аннақулов ишлаб чиқариш графигидан икки йил ўзиб кетди. У ҳозир 1987 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Д. Аннақулов корхонага ўн саккиз йил муқаддам келган эди. Йигитнинг омади келди: у термик цехга келиб, тажрибали қуювчи М. Фомичевга шогирд тушди. Устози раҳбарлигида маҳорат сирларини ўрганди. Мураббийнинг ғамхўрлиги туфайли ёш ишчи қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш топшириқларини мустақил бажарадиган бўлди. Эндиликда у кўп йиллардан бери корхонанинг энг яхши мастери ҳисобланади: у ҳар куни смена топшириғини 10—15 процент ошириб бажармоқда. Д. Аннақулов тўрт йил муқаддам беш йилликни 3,5 йилда бажаришга сўз берган эди, сўзининг устидан чиқди. Меҳнатни моҳирона ташкил этиш, новаторлик метод ва усулларини қўлланиш, запас асбоблар ва материалларнинг доимо қўл остида бўлиши муваффақият гарови бўлди.

Корхонада беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарган Д. Аннақуловнинг издошлари кўпгина. Улар меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича кўпгина резервларни қидириб топишяпти. Машинасозлар 1985 йилга қабул қилган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

## ТУРДОШ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАБ

Уч йил муқаддам Чирчиқ пойабзал фабрикасида пудрат асосида иш кўрувчи бригада ташкил этилганда кўпчилик коллективга Ирина Землянушинани бошлиқ қилишни таклиф этди. Гарчанд Ирина Викторовна корхонага келганига кўп вақт бўлмаса-да, лекин шу қисқа муддат ичида у ўзининг ишбилармонлиги, ҳаракатчанлиги билан кўпчиликнинг ишончини қозонган эди. Лекин янги усул асосида иш юритувчи бригадага у раҳбарлик қила оладими ёки йўқми бу унинг ўзига боғлиқ эди.

Ирина Землянушина фабрикага илк бор келганида пойабзалнинг устки чармларини тайёрлашга ихтисослашган. Кейин эса бичиқчи, тикувчилик касбларини ўрганди. Бригадага бошлиқ бўлгач, аввало Чирчиқ индустриал техникумида олган назарий билимларини амалга тадбиқ эта бошлади. Кейин ўз маҳоратини барча бригада аъзоларига ўргатишга киришди. Муҳими бутун бригада аъзолари бир неча турдош мутахассисликни эгаллашларига эришиш талаб этиларди. Ана шундагина коллективнинг бир маромда ишлашини, планларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мумкин бўларди. Бригадирнинг бу таклифи кўпчиликка маъқул тушди. Шундан сўнг ҳар бир пойабзалчи у ёки бу мутахассисликни ўзлаштиришга киришди.

Ҳозирги кунда бригаданинг барча аъзолари икки ёки ундан ортиқ мутахассисликни эгаллашган. Бригада шунинг учун ҳам барча топшириқларни муддатидан илгари, зиёдаси билан адо этиб келяпти. Беш йилликнинг сўнгги йилида коллектив аъзолари пландан ташқари 500 жуфт болалар пойабзали тайёрлаб беришга ва 8 хил янги моделдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қарор қилганлар. Айни кунларда бу юксак мажбуриятни адо этиш мақсадида бригадада ўзаро шахсий мусобақа авж олдирилган. Бу меҳнат беллашувида ҳам бригада сардори бошқаларга ибрат бўляпти. Ирина Землянушинанинг меҳнат календарида 1987 йилнинг ноябрь ойи бошланганига анча бўлди.

Х. ЖАМОЛИДДИНОВА,
Чирчиқ пойабзал фабрикасининг социалистик мусобақа уюштириш бўйича экономисти.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ (1984 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## ДЕҲҚОН ЕРНИ БОҚСА...

КОЛХОЗИМИЗ деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида жами 1963 гектар ерда турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадилар. Жумладан, 1410 гектар ерда пахта ўстирамиз. Мақсадимиз ҳосилдорликни 40 центнерга олиб чиқиш. Шунингдек, маккажўхори, сабзавот, полиз, картошка, дон ва озуқа экинлари бўйича ҳам зиммамизга оширилган мажбуриятлар олдик.

Меҳнаткашларимизнинг КПСС XXVII съезди ва буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига олган мажбуриятлари реал, уддасидан чиқиладиган вазифалардир. Албатта, бунинг учун фидокорона меҳнат қилиш керак. Ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш лозим. Шунинг учун ҳам биз ўтган хўжалик йилидаги меҳнат натижаларимизни ўрганиб чиқдик. Йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини аниқладик. Шу асосда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти билан ҳамкорликда суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш, пахта ҳосилдорлигини кўтариш ва сифатини яхшилаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдик.

Зеро, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленумида айнан бизнинг олдимизга ана шундай вазифалар қўйилди. Айни кунларда Пленум қарорлари асосида кенг кўламдаги ишларни амалга оширяпмиз. Биринчи галда ерларнинг унумдорлигини оширишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргача кам ҳосилли 280 гектар майдоннинг ҳар гектарига 20 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. 685 гектар ернинг ҳар гектарига эса 400 килограммдан аммофос ўғити солиниб, сўнгра икки ярусли плугда чуқур қилиб шудгорладик.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун карталарни текислаш ва йириклаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргача нокерак йўллар, ариқлар, ўқариқлар, карта четларидаги паст-баланд ерларни текислаш ҳисобига 30 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. 150 гектар ер капитал, 250 гектар ер жорий текисланди. Бу тадбирлар бизга 1985 йилда ҳар йилгидан кўп маҳсулот етиштириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида мелиорация, суғориш ишларини тубдан яхшилаш, шу асосда суғориладиган ҳар гектар ердан кўпроқ маҳсулот олиш алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу қарорларга амалий иш билан жавоб бериб, суғориш шахобчаларини сифатли тозалаш билан биргаликда сизот суви яқин жойлардаги каналларни қайта тозалаяпмиз. Масалан, бу йил 10 километр узунликдаги эски зовурни экскаватор билан тозалаб чиқдик. Шу ҳисобга 1-, 3-, 4- ва 5-бригадаларга қарашли 350 гектар ернинг захи қочирилди. 26 минг куб метр ҳажмидаги суғориш шахобчалари тартибга келтирилди.

### СЎЗ — АГРОНОМЛАРГА

Маълумки, мўл ҳосил етиштиришда алмашлаб экишнинг самараси катта. Биз аниқ график асосида 10 далали алмашлаб экиш усулини қатъий қўллаб келяпмиз. Ҳар йили 160—180 гектар ердаги экинлар алмашлаб экиляпти. Шунингдек, 350 гектар майдондаги кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизлари тозаланди.

Экиш даврида ерларни қўшимча озиқлантиришга ҳам катта аҳамият берилади. Шу мақсадда минерал ва маҳаллий ўғитлардан кўплаб компост тайёрлаб қўйилди. 150 тонна аммофос, 220 тонна азот ўғити махсус жойда сақланмоқда. Чигит экиш даврида бу ўғитлар ерга солинса, экин тез амал олади, жадал ривожланади.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммасини одамлар амалга оширмоқда. Демак, белгиланган вазифаларнинг қандай бажарилиши кадрларимизнинг ташкилотчилигига, маҳоратига, тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ўрта бўғин раҳбар кадрлар, механизаторларнинг қишки ўқувини ташкил этдик. Бу машғулотларда район партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, район агросаноат бирлашмаси ҳамда колхозимизнинг етакчи мутахассислари хўжалик юритишни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик экинлари агротехникаси, фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илғор тажрибалар ҳақида атрофлича гапириб, маълумотлар беришди.

Колхозимизда деҳқончиликда бой тажриба тўплаган кишилар кўп. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Абдували Расулматов, Ортиқбой Аҳмедов, Турди Шоназарова, Шайхи Бўрибековлар ҳар йили гектаридан 42—45 центнерга етказиб «оқ олтин» йиғиштириб олиб, барчага ибрат бўлишмоқда. Биз бу йил ишни ана шу илғорлар тажрибаси асосида ташкил этамиз.

Колхозимизда экиш мавсумига мавжуд техникалар тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. 28 та чопиқ, 25 та транспорт, 13 та ҳайдов тракторлари, 24 та сеялка, 8 та чизель, 28 та культиватор, ОВХ пуркагичлари ва бороналар мавсумга шай ҳолда турибди. Бу техникаларни сифат комиссияси аъзолари қайта-қайта назоратдан ўтказиб қабул қилиб олишди. Бу иш айни қизиган кезларда техникаларнинг юксак унум билан ишлатиш имконини беради.

Мўл ҳосил етиштиришда уруғчиликнинг аҳамияти катта. Шунинг учун сўнгги йилларда хўжалигимизнинг тупроқ шароитига мос ғўза навларини экиш учун бир қатор тажрибалар ўтказдик. Ўтган йили А. Расулматов бошчилик қилаётган бригадада «С-4880» навли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Бу нав вилтга ва бошқа касалликларга чидамлилиги билан эътиборимизни қозонди. Шунинг учун 1985 йилда 600 гектар майдонга «С-4880», 810 гектар ерга «Ан-Боёвут-2» навли уруғларни 90х7 схемада экамиз.

Бир сўз билан айтганда колхозимизда ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида қишлоқ хўжалик экинларидан ва айниқса, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин ҳозирланмоқда. Барча дала ишлари конвейер усулида олиб борилмоқда.

О. ТУРАТОВ,
Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз бош агрономи.

24 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ



ТОШКЕНТНИНГ Киров районидаги 70-ўрта мактабда таълим-тарбия ҳамда синфдан ташқари ишлар яхши йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг ҳамма фанлардан ўзлаштириши ҳам бошқа мактаблардагига нисбатан анча юқоридир. Шунинг учун бу мактаб район бўйича ўтказиладиган социалистик мусобақада ҳар йили мукофотли ўринларни эгаллаб келади.

Мактабнинг илғорлар сафидан ўрин олишида шу билим ўчоғига олти йилдан бери директорлик қилиб келаётган Муҳаббат Назарованинг хизмати каттадир. Педагоглик фаолиятини 1968 йилда оддий ўқитувчиликдан бошлаган М. Назарова бугунги кунда «СССР халқ маорифи аълочиси» деган шарафли унвонга сазовор бўлди.

Ҳозир мактабдаги ўқув-тарбия ишлари бир сменага кўчирилиб, замонавий техника воситалари билан тўла таъминланган фан кабинетларида кенг кўламда машғулотлар олиб бориш учун яхши имконият яратилди. Умуман, бу ерда мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасида яхши алоқа ўрнатилиб, бу соҳадаги ишлар яхши йўлга қўйилган. М. Назарова Москвада бўлиб ўтган илмий-назарий конференцияда шу мавзуда доклад қилиб, кўпчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

М. Назарова мактабда иши кўп бўлишига қарамай, бўш вақт топиб, район «Билим» жамияти ота-оналар университетига ректорлик ҳам қилмоқда. Район педагоглари М. Назарованинг ҳалол меҳнати, жамоат ишидаги активлигини ҳисобга олиб, уни Киров район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

С. СУЛТОНОВ.

